

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2014-yil 21-may, chorshanba  
№ 39 (15781)

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислом Каримов  
Осиёда ҳамкорлик ва ишонч  
чоралари бўйича кенгашнинг  
IV саммити йигилишида  
иштирок этиш учун Хитой Халқ  
Республикасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва XXR Раиси Си Цзиньпин 20 май куни Хитой раҳбарининг Шанхай шаҳридаги қароргоҳида учрашув ўтказди. Суҳбат чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолади ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилашда бундай учрашувлар муҳимлигини таъкидлайдилар.

Давлатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорлик изчили ривожланаётганини қайд этиб, Хитой раҳбарига симмий қабул учун миннатдорлик билдириди.

XXR Раиси мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлайди. Си Цзиньпин Ўзбекистон раҳбари билан бундан бўён ҳам якин шахсий мулоқотни давом эттиришга, икки томонлама муносабатларда «янада юксак мэрраларга эришиш учун барча саъ-ҳаракатларни ишга солишга» тайёр эканини қайд этди.

Хитой раҳбари давлатларимиз ўртасида минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлайди. Си Цзиньпин Ўзбекистон минтақадаги муҳим давлат эканини қайд этиб, Осиё мамлакатлари ўртасидаги ишончни, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида мамлакатимиз билан ўзаро саъ-ҳаракатларни бирлаштиришни таклиф этди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга илк давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда тарихий воқеа, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган асосларининг амалий ифодаси экани таъкидланди. Тошкентда бўлиб ўтган музокаралар якуни бўйича Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чукурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги кўшма декларацияни имзолади. Шунингдек, техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, иқтисодий, молиявий, нефть-газ, таълим соҳаларидағи муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги кўшма декларация руҳида барча соҳаларда ривожланмоқда. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ушбу ҳамкорлик муносабатларнинг барча йўналишларини қамраб олган. Бунда давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч ва хурмат руҳидаги шахсий мулоқотлари муҳим омил бўлмоқда. Олий даражадаги учрашувлар ва ташрифлар мунтазамлик касб этган.

(Давоми 2-саҳифада)



Рустам Назарматов олтган суралар

## Симфонияга бурканган баҳор

«Туркистон» санъат саройида Ўзбекистон Ёшлар симфоник оркестрининг илк концерти бўлиб ўтди

Жонли ижро, ёрқин анимациялар, виртуал шоу элементлари... Ўша кеча юртимиздаги энг кучли овоз соҳиблари ва уларга жўр бўлган Ёшлар симфоник оркестри санъат саройининг ёзги саҳнасини ларзага келтирди. Концертга келган юзлаб томошабинлар – классик мусиқа шайдолари ва хорижлик нуфузли меҳмонлар ёш опера ижрочиларимизнинг маҳоратига тан бершиди.

Ёшлар симфоник оркестири тўқсон икки нафар виртуоздан ташкил топган. Аксарияти турли халқаро танловларда голиб бўлган ёшлардир. Оркестрантлар жорий йилда илк маротаба ўтказилган «Ёшлик баҳори» ёш

опера ижрочилари фестивали доирасида сараланди. Мазкур лойиҳа Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигига амалга оширилди. Танловда республикамиз ҳудуд-

ларидан жами 55 нафар яккахон хонанда ва санда, учта хор жамоаси қатнашди. Иштирокчилар орасида нафақат олий таълим муассасалари, балки мусиқа йўналишидаги академик лицейларда таҳсил олаётган истебдодли йигит-қизларнинг борлиги алоҳида эътиборга молик. Улар жаҳон классик мусиқасининг дурдона асарларини Исмоил Жалилов, Муяссар Рассоқова каби ўзбек опера санъатининг етук намояндлари олдида ижро этишиди.

(Давоми 3-саҳифада)

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАЖКАМЛАМОҚДА

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Ўзаро савдо айланмаси ҳажмининг барқарор ўсиб бораётгани ҳам диккатга сазовордир. Масалан, сўнгги олти йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 6 баробар ошиди ва 2013 йилда 5,2 миллиард долларга етди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган 5,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги ҳужжатлар имзоланган.

XXR Раисининг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида умумий қиммати 15 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжатларда Хитойдан 7,7 миллиард долларлик молиявий ресурслар, шу жумладан, Хитой компанияларининг 1,3 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялари, ушбу мамлакат банкларининг 6,1 миллиард долларга тенг кредит маблағлари ва 0,3 миллиард долларлик давлат грантларини жалб этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда Хитой капитали иштироқидаги 466 корхона, жумладан, тўла Хитой сармояси билан ташкил этилган 77 корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Хитойнинг 71 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ноҳомашё ва юқори технологияли соҳаларда ҳам инвестицияйи шерик-

лик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида 2010 йилда имзолangan Ҳамкорлик дастури бу борада муҳим асос бўлиб хизмат килмоқда.

Ўзбекистон XXR раҳбарияти томонидан 2011 йилда илгари суриган Хитой компаниялари иштироқида Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат паркини ташкил этиш тўғрисидаги ташабbusни кўллаб-куватлади. Ушбу мақсадда 2013 йилнинг март ойида Сирдарё вилоятида филиали бўлган «Жиззах» маҳсус индустрисал зонаси ташкил этилди. 2013 йил июнь ойидан бошлаб ушбу индустрисал зона ҳудудида мобиль телефонлар, курилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

Жорий йилда «Жиззах» маҳсус индустрисал зонасида Хитой компанияларининг қиммати 50 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестициялари иштироқида ўн бешдан ортиқ кўшма лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ёқилғи-энергетика комплексида ҳам XXR билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Марказий Осиё — XXR газ куврининг тўртта тармоғи ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтиши нефть-газ соҳасида юксак даражадаги ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликдан далолат беради.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси нафақат истиқболи углеводород конларини ўрганиш ва уларни ўзлаштириш, балки Муборак газ кимё мажмуасида табиий газни чу-

кур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишлариданadir. Бу Хитойнинг Марказий Осиё, ундан кейин Жанубий Осиё мамлакатларига чиқишини таъминлайди. Мазкур йўналиш Ангрен — Поп темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ўртасида довондан туннель орқали ўтадиган Ангрен — Поп темир йўлини қуриш бўйича умумий қиммати 455 миллион долларлик шартнома имзоланди ва хитойлик ҳамкорлар иштироқида 2013 йилнинг июнь ойидан мазкур йўл қурилиши бошланди.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик, жумладан, Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки билан алоқалар фаол ривожланмоқда. Хитой молия институтларининг жами кредитлари ҳажми 4,5 миллиард доллардан, шу жумладан, ҳукумат кафолатисиз кредитлар 3,5 миллиард доллардан ошиди.

Таъкидлаш жоизки, Хитой Давлат тараққиёт банки энергетика, транспорт, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа йўналишлардаги умумий қиммати 3,8 миллиард доллардан зиёд турли лойиҳаларда иштироқ этмоқда.

Хитойнинг Эксимбанки томонидан 2005 йилдан бошлаб умумий қиммати 1,15 миллиард долларлик 32 лойиҳани

молиялаштириш тасдиқланган.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқаларни, фан ва техника, туризм соҳаларида ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш керакки, 2013 йил 15 май куни Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий-тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотари ва таълим алмашувлари маркази очилди. Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиан, Навоий ва Чжуҷуо шаҳарлари, Тошкент вилояти ва Хунан вилояти, Самарқанд вилояти ва Шэнси вилояти ўртасида бирордарлик алоқалари ўрнатилган.

Икки давлат раҳбарларининг бу галиги учрашуви Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро манфаатли ва серқира-ра ҳамкорликни янги босқичга кўта-ришига ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Президент Ислом Каримов самимий сұхбат ва самарали мулокотдан сўнг XXR Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитига аъзо давлатлар раҳбарлари шарафига ташкил этилган Хитой санъат усталарининг тантанали концертига ташриф буорди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи давом этмоқда.

**Баҳодир ЭРГАШЕВ,  
ЎЗА маҳсус мухбири**

## ЁШ ТАДБИРКОРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ



Битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларда тадбиркорлик кўнкималарини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, кирик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни фаоллаштириш ҳамда уларга микромoliaвий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратишга қаратилган мазкур танлов кўлами йилдан-йилга кенгайиб боряпти. Бу йил «Менинг бизнес foям» танлови «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташабbusи билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўтга маҳсус касб-хунар таълим маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк», «Агробанк», «Кишлоқ қурилиш банк», «Саноатқурилишбанк», «Миллийбанк» ДТБ, «Ипотека банк» АТИБ, «Асака

банк», «Халқ банки», «Хунарманд» уюшмаси ҳамда Ўзбекистон фермерлари кенгаши ҳамкорлигига ташкил этилди.

— Ўтган йили мазкур танловга қирқ саккиз минг нафарга яқин ўз бизнес foяси билан иштироқ этган бўлса, жорий йилда Республикасимиз бўйича 135 мингдан зиёд академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларидан турли йўналишларда иншолар қабул қилинди, — дейди «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашининг ижтимоий-иктисодий лойиҳалар бўйими етакчи мутахассиси Мадина Фармонова. — Лойиҳанинг кўйи босқичларида ҳудудлардаги «Ёш тадбиркор» консультатив марказ координатор ҳамда тренерлари томонидан ёшларда тадбиркорлик кўнкималарини шакллантиришга

қаратилган ўкув семинарлар ўтказилди. Унда эллик саккиз минга яқин ўз билим ва мақасини ошириди. Уларнинг 381 нафарига бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун тўрт миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар олиш ҳукуқини берувчи тавсияномалар берилди.

Ўкув оромгоҳида танлов иштироқчилари гурухларга бўлинган ҳолда малакали соҳа мутахассислари, тренерлар, тижорат банклари ва ҳамкор ташкилотларининг масъул ҳодимлари иштироқида бўлиб ўтган «Бизнесни тартибига соловчи қонуний-меърий ҳужжатлар», «Кирик бизнеснесинг юридик мақомини танлаш», «Тижорат банклари таъминланадиган рангли макаронларни ишлаб чиқаришини кўзда тутмоқда. Бунинг учун у «Миллийбанк»дан ўн беш миллион сўм кредит олиш имконини берувчи сертификатга эга бўлди.

Юқори Чирчиқ туманидан танловда қатнашган Гулноза Кўчқорова замонавий элита пардалар тикиш бўйича тузган бизнес лойиҳаси билан танлов галибига айланди.

— Коллежни тугатгач, «Ўзсаноатқурилишбанк»дан олти миллион уч юз минг сўм имтиёзли кредит олиб, ўз иш фойлиятимни бошлайман, — дейди Гулноза. — Ўзим билан бирга етти нафар тенгдошим ҳам иш билан таъминланадиган. Пардалар тикишда тўрт йиллик тажрибам бор. Бунда устозим Зулайҳо Аҳмадалиеванинг меҳнати кат-

та. Ўқув оромгоҳида тадбиркорликка оид барча йўналишларни пухта эгалладик.

Танлов доирасида «Кишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш» номинацияси бўйича Азамат Аблезов (Шуманай тумани), «Софлом бола йили» давлат дастуридаги фаол иштироқи учун номинацияси бўйича Азиза Зиямумамедова (Тошкент шаҳри), «Энг яхши экологик тоза маҳсулот» номинацияси бўйича Махлиё Эшбоева (Ангрен шаҳри), «Энг кўп ишчи ўрни яратган бизнес foям» номинацияси бўйича Исломбек Муҳаммаджонов (Кува тумани), «Энг яхши инновация foям» номинацияси бўйича Сардорбек Кутфиддинов (Наманган шаҳри) галиб деб топилди.

«Энг яхши экологик тоза маҳсулот» номинациясига сазовор бўлган Махлиё Эшбоева пархез инсонлар ҳамда болалар учун табиият маҳсулотлардан тайёрланадиган рангли макаронларни ишлаб чиқаришини кўзда тутмоқда. Ангрен ахборот технологиялари ва саноат касбхунар коллежи битирувчиси Махлиё Эшбоеванинг айтишича, ушбу макаронлар, асосан, қизиллавлаги ҳамда сабзи шарбатлари аралашмасидан тайёрланадиган экан. Бунинг учун у «Миллийбанк»дан ўн беш миллион сўм кредит олиш имконини берувчи сертификатга эга бўлди.

Галибларни тантанали тақдирлаш маросими «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашидан бўлиб ўтди. Тантанали маросимда танлов галибларига «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Бўлажак тадбиркорлар учун эстрада хонандалари иштироқида концерт дастурни ҳам намойиш этилди.

**Рустам ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбири**



(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

«Ёшлик баҳори» фестивалининг якуний қисми — Ўзбекистондаги биринчи Ёшлар симфоник оркестри иштирокидаги гала-концерт барчага куттимаган таассуротларни тухфа этди. Бу ҳақиқий мусиқали шоунинг ўзгинаси. Ахир, оркестрнинг томошабинлар орасидан чиқиб келиши, дирижёр эса гоҳ эгнидаги фракни матадор костюмига, гоҳ таёқ-часини соҳибжамол Кармен тортиқ қилган қизил атиргулга алмаштириши ёки ижро этилувчи ҳар бир асар олдидан изоҳ келтиришини на жаҳон опера саҳналари, на замонавий музикларда кўрасиз.

Дарвоке, дирижёр ҳақида. Ёшлар симфоник оркестрини Камолиддин Ўринбоев бошқарди. Ҳам дирижёр, ҳам бадиий раҳбар, кўйингки, бошловчи вазифасини бажарган бу йигит талаба эканига ишонгинг келмайди. Шунга қарамай, у ҳаммасини аъло даражада уddyалади.

Концерт давомида Бетхо-



вен, Чайковский, Иоганн Штраус, Жорж Бизе, Жакомо Пуччини, Жоакино Россини, Жон Уильямс, Франческо Сартори, Мухтор Ашрафий, Сулаймон Юдаков каби ўзбек ва жаҳон композиторларининг йигирмадан зиёд дурдана асарлари жонли ижро этилди.

«Ниҳол» мукофоти совриндори Умид Истроилов ижросидаги Калаф ҳамда Рамиз Усмо-

нов ижросидаги Канио ариялари, Феруза Ажиметованинг мафтункор «Кармен»и, Раҳим Мирзакамолованинг «Фигаро»си ҳамда Барно Исматуллаеванинг «Мюзетта»си, Асқар Салимжонов ва Муҳридин Сайфиддинов дуэти хониш қилган бетакрор «Танго», Мъясума Болтабовеванинг соҳир овози илиа янграган «Кашмирида» каби композициялар ҳар бир томоша-

бин-тингловчини тўлқинлантиргани рост. Айниқса, саҳнага таклиф этилган В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицеи ўқувчиларидан иборат болалар хор жамоаси «Аве Мария» ариясини куйлай бошлаганида бутун зал сеҳрлаб қўйилгандек эди, гёй.

Томошабин ҳар бир симфония, ҳар бир партиядан сўнг ўз

миннатдорлигини гулдурос қарсаклар билан ифода этди. Наинки ўзбек, балки инглиз, немис, француз, рус, испан, италян, араб, форс, корейс, япон ва яна ўнлаб тилларда айтилган тасанноларни юртимиз ёшларининг истеъодига берилган энг юқори баҳо деб қабул қилиш мумкин. Ҳа, бугун мустақил Ўзбекистоннинг ўғил-қизлари ҳеч кимдан кам эмас.



**Раҳим Мирзакамолов, ҳалқаро танловлар лауреати, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби:**

— Фестивалда иштирок этганимдан ниҳоятда мамнунман. Бир неча йилдан буён Алишер Навоий номидаги давлат



**Камолиддин Ўринбоев, Ёшлар симфоник оркестри бадиий раҳбари ва дирижёри, ҳалқаро танловлар лауреати:**

— Ёшлар симфоник оркестрининг ташкил этилгани, шубҳасиз, юртимиз мусиқа санъатидаги муҳим ходиса бўлди. Мен бир қатор хорижий мамлакатлардаги нуфузли ҳалқаро мусиқий танлов ва фестивалларда иштирок этганман. Ишонч билан айтаманки, биз, ўзбекистонлик ёшлар истеъодод бобида ҳеч кимдан қолишимаймиз. Юртимизда илк маротаба ўтказилган «Ёшлик баҳори» республика ёш опера ижрочилари фестивали ҳамда унинг бугунги якунловчи гала-концертида салоҳиятимизни тўлиқ намоён этдик. Ёшлар оркестри билан ишлаш менга завқ бағишлиди. Биласиз, симфоник мусиқани тинглаш ҳамда уни тушуниш кишидан алоҳида маҳорат ва дид талаб қиласди. Концерт нафақат опера муҳлислари, балки унга таклиф этилган кўп сонли ёшлар учун ҳам бирдай қизиқарли бўлиши учун уни шоу элементларидан фойдаланиб саҳналаштиришга ҳаракат қиласди. Жонли ижро концертга келган ҳеч бир муҳлисни эътиборсиз қолдирмади. Буни мен, томошабинларнинг гулдурос қарсаклари ва мамнун чехраларидан уқиб олдим. Концертининг якуний қисмидан залга юзланиб, кўйидаги сўзларни айтишим керак эди: «Азизлар, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо эканки, бугун сиз билан бирга мана шундай ажойиб кечага гувоҳ бўлиб турибмиз». Шу онда ҳаяжонимни билдириласликка ҳарчанд ҳаракат қилмайин, овозимда барibir титроқ сезилди. Қалбим ларзага келгандек бўлди, гёй. Чунки мустақиллик қанчалик катта баҳт, тинчлик нечоғлик улуғ неъмат эканини янада теран англадим. Томошабинлар ҳам англашди, назаримда.



**Тоҳир Усмонов, Ёшлар симфоник оркестри созандаси (скрипка), ҳалқаро танловлар лауреати:**

— «Ёшлик баҳори» республика ёш опера ижрочилари фестивали ўтказилаётгани ва унинг натижасида илк маротаба Ёшлар симфоник оркестри

ташкил этилишини эшитганимда, очиги, бироз ҳайратландим. Чунки опера санъати юксак даражада ривожланган хорижий давлатларда ҳам бундай ҳолатни камдан-кам учратасиз. Оркестри миз ниҳоятда истеъодли ёшлардан ташкил топган. Деярли барчамиз бир қатор ҳалқаро танлов ва фестивалларда қатнашганимиз. Тайёргарлик жараёнда бир-биримизни тушуниб, аҳил жамоа сифатида ишладик. Айниқса, оркестр дирижёри Камолиддин Ўринбоевнинг маҳорати, файратига тан бермасликнинг илохи йўқ. У концертга «жон» бағишилаб турди. Фестивал ташкилотчилари алоҳида миннатдорлигимни изҳор этаман. Санъатимизга қаратилаётган эътибор биз, ёшларни ҳамиша юксак парвозларга чорлади.

**Наргиза УМАРОВА,  
«Turkiston» мухбери.  
Рустам Назарматов олган суратлар.**

малакалари синовдан ўтказилди.

Мусобақа натижаларига кўра, 1-ўринга Самарқанд шаҳрининг «Ирбис» жамоаси муносиб деб топилди.

Голиблар ва фаол иштирокчи жамоалар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Жасур РАҲМОНОВ,  
«Turkiston» мухбери**

## ЁШ ЖАСОРАТ СОҲИБЛАРИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши, вилоят фавқулодда вазиятлар ва ҳалқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳар ёнгин хавфсизлиги бошқармасининг 5-бўлими ҳудудидага «Ёш қўтиқарувчи» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Унда туманлардан сараланган жамоалар иштирок этди.

— Мусобақани ўтказишдан мақсад турли табиий оғатлар юз берганда ахолининг, айниқса, ёшларнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиши ва бошқаларга кўмак бериши бораси

даги тайёргарлигини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат, — дейди «Камолот» ЙИХ вилоят кенгаши бўлим мудири Дилшод Нарзикулов.

Танлов беш шарт асосида олиб борилиб, унда жамоаларнинг соҳага оид билим ва

Yoshlar festivallari davom etadi

# ҲАР ЮРАКДА ШИЖОАТ, ҲАР ЮРАКДА ҚАТЬИЯТ

*Шиҷоат, ташаббус, гайрат ва фаоллик.*

Айни шу эзгу тушунчалар замирида ёшликнинг бетакрор ва олий мақсадларга тўла қиёфаси, ёшларнинг баланд парвозлари, улар интилаётган юксак мэрраларнинг моҳияти мужассам. Фарғона вилоятида бўлиб ўтган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали ҳам юрагида шиҷоат, нигоҳларида қатъият ёниб турган минглаб ёшларни ўзига чорлади.

Мустақиллигимизнинг йиғирма уч йиллигини муносиб нишонлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёшларга тушунтириш, иқтидорли ёшларни кўллаб-кувватлаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий, маданий тараққиётiga муносиб хисса қўшаётган ёшлар сафини кенгайтириш мақсадида ўтказилаётган мазкур фестивал бу гал ҳам минглаб тенгдошларимиз эътиборида бўлди. Ёшлар фестивалининг республика ва вилоят тарғибот гуруҳига таниқли санъаткор ва сўз усталари, эстрада юлдузлари, актёрлар, шоир ва ёзувчilar, шунингдек, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда номдор стипендиатлар, Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари бўлган иқтидорли ёшлар жалб этилди. Тарғибот гуруҳи аъзолари фестивал давомида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавият ва маърифат ҳамда соғлом турмуш тарзи ва спорт йўналишлари бўйича фаолият олиб боришли.

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали доирасида туман ва шаҳрларда тарғибот гуруҳи аъзолари ва ёшлар иштирокида «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти», «Депутат ва ёшлар», «Президент асрлари билимдони», «Хоким ва ёшлар», «Сиз севган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари», «Одам савдо-

сидан ёшларни асрash—буғуниги куннинг долзарб масаласи», «Эрта никоҳ ва унинг олдини олиш», «Биз соғлом турмуш тараждоримиз», «Вижданли сочувчи», «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!», «Интернет ва ёшлар», «Иқтидор эгаси—обод юрт эртаси», «Камолот» кутубхонаси», «Ватан тараққиётiga менинг ҳиссам» лойиҳалари амалга оширилди.

Учқўпrik ёшлари «Депутат ва ёшлар» лойиҳасида ўзларининг қизиқарли, мураккаб ва

содиёт ва сервис коллежи ўқувчиси Аҳмадали Ҳакимов.

— «Уч авлод учрашуви»да бувайдалик ёшлар ўз фаолликларини кўрсатишиди, — дейди «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси Достон Убайдуллаев. — Уларнинг устозларга берадиган саволларига эъти-

тарғиботчisi», йигирма бир нафар ёш «Энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчisi», ўн нафар ўғил-қиз «Энг яхши экология билимдони», ўн икки нафари «Президент асрлари билимдони» каби йўналишлар бўйича тақдирланди.

Шунингдек, ҳар бир туман ва

совғалар улашилди.

Фестивалининг сўнгги кунида Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти мусиқали драма ва комедия театрида «Хоким ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди. Унда вилояти ҳокими Шуҳратжон Фаниев иштирок этиб, барча туман ва шаҳрлардан келган энг иқтидорли ёшларнинг дил сўзлари, таклиф ва ташабbusларини тинглади. Куонарлиси, ёшлар томонидан берилган ҳеч бир таклиф эътибордан четда қолмади. Учрашув сўнгидаги энг яхши фикр ва таклиф эгаларига вилоят ҳокимлигининг кимматбаҳо совғалари ва китоблар тўплами тортиқ қилинди.

Ёшлар фестивали Фарғона шаҳридаги ёшлар маданият ва спорт мажмуасида бўлиб ўтган гала-концерт билан якунланди. Концертнинг тантанали қисмидаги тарғиботларда муносиб иштирок этган фаоллар «Конституция билимдони», «Энг яхши ҳуқук тарғиботчisi», «Энг яхши маънавият тарғиботчisi», «Энг намунали илм-фан тарғиботчisi», «Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчisi», «Ёшлар билан ишлашда энг фаол туман (шаҳар) ҳокими», «Энг ёш тарғиботчи», «Энг намунали тарғиботчи етакчи» каби номинациялар бўйича туман ҳокимликлари ва Ҳаракатнинг эсдалик совғалари топширилди.

«Ҳеч ким меҳр-эътибордан

четда қолмасин!» лойиҳаси доирасида республика тарғибот гуруҳи аъзолари имконияти чекланган ёшлар ҳамда боқувчисини йўқотган кексалар, камтаъминланган оилалар, ёши улуғ отахон ва онахонлар хонадонида бўлишиди. Уларнинг холидан хабар олинниб, эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги хайрия учрашувлари мобайнида меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун ижодий учрашув ва байрам дастури ташкил этилди, эсдалик

шахарда бўлиб ўтган учрашувларда ёшларга «Энг фаол иштирокчи», «Энг ёш спортчи», «Энг ёш ижодкор», «Энг яхши тақлиф», «Энг ёш рассом», «Энг ўринли савол» номинациялари бўйича туман ҳокимликлари ва Ҳаракатнинг эсдалик совғалари топширилди.

Марғилон шаҳрида ўтказилган «Ватан тараққиётiga менинг ҳиссам» лойиҳаси ташкил этилди. Айниқса, шаҳримиздаги интернет-кафеларда «Интернет ва ёшлар» лойиҳаси ташкил этилгани айни мудда бўлди. Бунда тарғибот гуруҳи аъзолари интернетнинг ёшлар ҳайтидаги ўрни катта экани, бироқ ундан фақат билим олиш учун фойдаланишимиз лозимлигини таъкидлашди. Улар интернетдан қандай фойдаланишиларни кўрсатиб, биз, ёшларни «ўргамчак тўри»га тушиб қолишдан сақланишга чақириди, — дейди Қувасой иқти-

шахарда бўлиб ўтган учрашувларда ёшларга «Энг фаол иштирокчи», «Энг ёш спортчи», «Энг ёш ижодкор», «Энг яхши тақлиф», «Энг ёш рассом», «Энг ўринли савол» номинациялари бўйича туман ҳокимликлари ва Ҳаракатнинг эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, «Ҳеч ким меҳр-эътибордан

четда қолмасин!» лойиҳаси доирасида республика тарғибот гуруҳи аъзолари имконияти чекланган ёшлар ҳамда боқув

чисини йўқотган кексалар, камтаъминланган оилалар, ёши улуғ отахон ва онахонлар хонадонида бўлишиди. Уларнинг холидан хабар олинниб, эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги хайрия учрашувлари мобайнида меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун ижодий учрашув ва байрам дастури ташкил этилди, эсдалик



ЎзА фотомуҳори Муҳимон Қодиров олган суралар



**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири.  
**Дилнавоз ҚўЛДОШЕВА,**  
«Камолот» ЙИХ Фарғона  
вилояти кенгаши етакчи  
мутахассиси

«Kamolot» loyihalari

Тошкент шаҳридаги «Пахтакор» марказий стадионига футбол бўйича талабалар ўртасида ўтказилган «Камолот» кубоги мусобақасининг финал учрашувини кузатиш учун келаётган томошабинларнинг кети узилмайди. Барчаси футбол-шоуга ошиқмоқда... Томошабинлар нигоҳи таблода намойиш этилаётган «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати» видеоролигига қаратилди. Кутилган дақиқалар ҳам етиб келди. Яшил майдонга «Камолот» кубоги»нинг финал ўйини иштирокчилари — Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоалари чиқиб келди.



# ФУТБОЛ ЁШЛАРНИ ДЎСТАЛАШТИРИДИ

Мусиқа садолари ва олқишлиар билан кутиб олинган жамоалар бош соврин — «Камолот» кубоги учун тўп суришга шай. Олий тоифали ҳакам Дмитрий Пислегин хуштаги билан ўйин бошланди. Ўзбекистон Миллий университети жамоаси оқ либосда, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти футбольчилари кўк либосда тўп суришди.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида учинчи бор ўтказилётган «Камолот» кубоги республика турнири «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташабуси билан Олий ва ўрта маҳсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни саклаш вазирликлари, Ўзбекистон футбол федерацияси, «Пахтакор» футбол клуби ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Бу йил мусобақанинг саралаш босқичларида олтмиш тўқизта олий таълим муассасида таҳсил олаётган тўрт яirim минг нафардан ортиқ ҳаваскор футбольчи иштирок этди, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим мудири Умид Ражабов. — Турнирнинг туман, шаҳар ва худудий босқичларидан мусобақиятли ўтган Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, Гулистон давлат университети, Тошкент молия институти, Фарғона давлат университети, Бухоро давлат тиббиёт институти, Нукус давлат педагогика институти жамоалари 13 — 17 май кунлари мусобақанинг республика финал босқичида куч синашди. Финалга икки жамоа етиб келди.

«Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз!» шиори остида ўтган ўйин Ўзбекистон Миллий университети жамоасининг хужумлари билан бошланди. Бу жамоа футбольчилари ўйин бошида ёк рақиб дарвозасига бир нечта ҳавфли зарбалар йўллашди. Айниқса, 17-дақи-

қада белгиланган жарима зарбаси анча ҳавфли чиқди. Бироқ уриниш мусобақа оғизибди. Нихоят, тезкорлик ўз самарасини берди. 29-дақиқада ЎзМУ жамоасининг 9-рақамли хужумчиси Муҳаммадсадик Одилов рақиб дарвозасини қўриқлаётган Равшан Мехмонов билан яккамаякка чиқиб, ҳисобни очди — 1:0. Бундан руҳланган ЎзМУ жамоаси янада ҳужумкор ўйин намойиш этиб, бир қатор қуляй вазиятларни юзага келтириди. Рақиб жамоа ҳам яхши ҳаракат қилди, лекин кутилган натижага қайд этилмади. Шу тариқа биринчи тайм 1:0 ҳисобида якунланди.

Танаффусда «Омадли чипта эгаси» лотерея ўйини ташкил этилди. Омадлиларни аниқлаш учун санъаткорлар Ойбек ва Нигора ҳамда актриса Севара Солиева таклиф этилди. Ун нафар омадли чипта соҳиби «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қимматбахо совғаларига эга бўлди.

Иккинчи таймда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоаси аста-се-

кинлик билан устунликни ўз кўлига олди. ЎзМУ жамоаси ўйинида эса бироз пасайиш кузатила бошланди. Танаффусда мураббий кўрсатмаларини олган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоаси иккинчи таймнинг 8-дақиқасида 3-рақамда тўп суроғтган Павел Чулкиннинг зарбасидан сўнг ҳисобни тенглashingтириди. Шундан сўнг ўйин янада шиддатли тус олди. Жисмоний жиҳатдан бироз устунликка эга бўлган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоаси аъзолари бу устунликни ҳисобда ҳам акс эттиришибди. Иккинчи таймнинг 20-дақиқасида ҳисоб 2:1 га етди. Александр Чикмаров урган гол ЎзДЖТИ жамоасига ғалаба олиб келди. Бундан кейин ҳам ЎзМУ жамоасида қуляй вазиятлар бўлди, лекин ҳисоб тенглashingмади.

— Турнирда қатнашган жамоаларнинг ҳар бири ўз ўйин услубига эга, — дейди олий тоифали ҳакам Дмитрий Пислегин. — Футбольчилар салкам профессионаллардек тўп суришди. Улар ушбу турнирга пухта тайёргарлик кўришган-

га ўхшайди. Финалда учрашган ҳар иккала жамоа ҳам яхши ўйин кўрсатди. Бундай турнирлар ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширади.

Шоҳсупага мусобақа ғолиблари таклиф этилди. Учинчи ўринни кўлга киритган Гулистон давлат университети жамоасига бронза, иккинчи ўрин соҳиби бўлган Ўзбекистон Миллий университети жамоасига кумуш медаллари топширилди. «Камолот» кубоги Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоаси футбольчиларига насиб этди. Кўшимчасига уларга олтин медаллар ҳам топширилди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича совриндорлар аниқланди. Баҳодир Юсупов (Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти) «Энг яхши тўпурар», Ойбек Толипов (Фарғона давлат университети) «Энг яхши дарвазабон» Бобур Асатуллаев (Ўзбекистон Миллий университети) «Энг яхши ҳимоячи», Фаррух Пўлатов (Тошкент темир йўл муҳандислари институти) «Энг яхши яirim ҳимоячи», Мухаммеддин

Кутимуротов (Нукус давлат педагогика институти) «Энг яхши ҳужумчи» номинацияларида ғолиб бўлишди.

— Ўзбекистон Миллий университети жамоаси кучли йигитлардан ташкил топган ажойиб жамоа, — дейди Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоаси аъзоси Аббос Умаров. — Ўтган йили саралаш босқичида ушбу жамоага ютқазгандик. Бу йил финалда фалаба қозондик. Бу биз учун кутимаган натижга. Мураббийимиз Муҳиддин Нурматовнинг кўрсатмалари ва жамоадошларимнинг бирбирини тушуниб ўйнаши сабаб зафар кучдик. «Камолот» кубоги турнири тенгдошларим орасида катта қизиқиш билдираман.

— Омад кучлиларга кулиб боқади, деган гап яна бир бор ўз исботини топди, — дейди Ўзбекистон Миллий университети жамоаси сардори Зайфиддин Эсонов. — Жамоамиз биринчи таймда яхши ўйин кўрсатди. Иккинчи таймда омад биздан юз угириди. Бироқ финалга етиб келиш ҳам осон эмас. Ўтган йили шаҳар босқичида Тошкент темир йўл муҳандислари институти жамоасига ютқазиб ортга қайтан эдик. Биз, ёшларга мана шундай нуфузли футбол стадионларида ўйнашимиз учун шароит ва имконият яратиб берәётган Президентимизга барча тенгдошларим номидан миннатдорлик билдираман.

Кубок соҳиби бўлган жамоа стадион узра ғалабани нишонлай бошлади. Ёшларнинг севимли эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар барчага байрам шукухини улашди. Жамоалар эса бирбирини кутлашиб, ўйин-кулги қилишмоқда. Бу дўстлик нишонасидир.

Рустам ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбири



ЎзА фотомухбири Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган суратлар

# СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК – ЯНГИ БОСҚИЧДА

Халқ таълими вазирлиги жорий ўкув йили якунларига бағишланган матбуот анжуманини ўтказди

**Айни вақтда юртимиздаги 9739 та умумтаълим мактабига 4,4 миллиондан ортиқ ўқувчи қамраб олинган. Уларнинг қулай шароитда ҳамда сифатли таълим олислари мақсадида вазирлик томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Ўтган йили 219 та мактаб капитал реконструкция килиниб, 162 таси капитал таъмирланди. Жорий йилда бу ишлар яна 380 та мактабда ўз ниҳоясига етказилади. Шунга қўшимча равишда 3024 та таълим муассасасини мебел, ўкув лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, спорт анжомлари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Мактабларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлашга давлат бюджетидан ҳар йили салмоқли маблаг ажратилади. Хусусан, жорий йилги харажатлар миқдори 106,2 миллиард сўмни ташкил қилмоқда. Шубҳасиз, таълимга йўналтирилган сармоя ўзини тўлиқ оқлади.

Биргина мисол: ҳозирги кунга келиб умумтаълим мактабларнинг 83,6 фоизида замонавий физика, биология ва кимё лабораториялари, 83,7 фоизида ўкув-компьютер хоналари мавжуд. Бундай қуалайликлар болаларнинг фанларни чукур ўзлаштиришига ижобий таъсир кўрсатиши ўз-ўзидан аёнди.

Республикамиздаги барча умумтаълим мактабларида чет тилларининг 1-синфдан бошлаб ўқитилиши якунланадиган ўкув йилидаги энг муҳим янгилиги бўлди. Шу аснода 502,4 минг нафардан зиёд 1-синф ўқитувчиси инглиз тилини, 12657 нафари француз, қолгани немис тилларини мактабда фан тариқасида

ўрганишга кириши. Уларга маҳсус методика ва янги таълим стандартлари асосида дарс бериш учун 25310 нафар чет тили ўқитувчисининг мараклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда, — деди поятьхтимиздаги 40-мактабнинг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Ўзбекистон Каҳрамони Турғун Азларов. — Бу борада ўз устимизда ишламас эканмиз, ўкувчилар бизни ортда қолдириши турган гап. Мен бир қанча мактабларга бориб, 1-синфлар билан ишлаб ўқитувчиларнинг дарсни кузатдим. Ўқитувчи энди факат инглиз тилини ва бошлангич синфларга дарс бериш методикасини билиши камлик қиласи. У дарсни ўйин шаклида ўтиб, болаларни ўз фанига қизиқтириши керак. Бунинг учун мультимедиа воситаларидан фойдаланишга тўғри келади. Бошқа фан ўқитувчиларида ҳам талаб шундай.

Матбуот анжуманида таълим-тарбия самарарадорлигини ошириш юзасидан мактаб ўқитувчилари олдига кўйилаётган янги талаблар хусусида ҳам сўз борди.

— Бугунги кунда мактаб

ўқитувчиси, қайси фандан дарс бермасин, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш кеरаклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда, — деди поятьхтимиздаги 40-мактабнинг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Ўзбекистон Каҳрамони Турғун Азларов. — Бу борада ўз устимизда ишламас эканмиз, ўкувчилар бизни ортда қолдириши турган гап. Мен бир қанча мактабларга бориб, 1-синфлар билан ишлаб ўқитувчиларнинг дарсни кузатдим. Ўқитувчи энди факат инглиз тилини ва бошлангич синфларга дарс бериш методикасини билиши камлик қиласи. У дарсни ўйин шаклида ўтиб, болаларни ўз фанига қизиқтириши керак. Бунинг учун мультимедиа воситаларидан фойдаланишга тўғри келади. Бошқа фан ўқитувчиларида ҳам талаб шундай.

Ўқитувчиларнинг АКТ соҳида билимини ошириш

мақсадида жорий ўкув йилида 194 та таянч мактаби танланди ва 400 минг нафарга яқин педагог учун маҳсус ўкувлар ташкил қилинди.

2013-2014 ўкув йилида республикамиздаги умумтаълим мактабларини 501564 нафар ўқувчи битиради. Уларнинг 90,6 фоизи ўқиши касбхунар коллажларида давом этириш ниятида. Қолгани академик лицейларга ҳужжат топширади. 9-синф битириувчilarини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш мақсадида улар тўғрисидаги маълумотлар **e-maktab** ягона электрон маълумотлар базасига киритилган.

Бу йил мактабларда сўнгги қўнғироқ тадбирларини ҳам ўзгача тартибда ўтказиш кўзда тутилган. Улар «Хайр, мактаб — салом, коллеж» шиори остида ўтиб, битириувчilar ўзлари танлаган коллеж ёки лицей фолияти билан танишиш имконига эга бўлишади.

**Наргиза БАХОДИРОВА**

## Ma'rifat bayrami

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғдамиз. Атрофда байрам шукуҳи кезмоқда. Барчанинг юзида ҳаяжон. Бир томонда турли миллатларнинг миллий либосларини кийган раккоса қизлар, бир томонда энг фаол китобхон номига эришган тенгдошларимиз саҳнага чиқиш учун ўз навбатини кутмоқда...

## КИТОБ ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Боғ ёнбағирларида юртимиздаги йирик нашриётларнинг ранг-баранг маҳсулотлари, китоб кўргазмалари бўлиб ўтмоқда. Саҳна яшил салтанат вакиллари, ранг-баранг пулфлар билан серҳашам безатилган.

Барча энтиқиб кутган «Китоб бизни бирлаштиради» китобхонлар фестивалида Халқ таълими вазири Улугбек Иноятов, Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев, Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ўзувчиси Худойберди Тўхтабоев ўз табрик сўзларини айтишди. Шодиённинг бадиий қисмини «Булбулча» болалар ашула ва рақс дастаси бошлаб берди. Шўх куй ва рақсларга томошабинлар ҳам жўр бўлишиди.

Китоб — инсон маънавиятини шакллантирувчи, халқларни бирлаштирувчи, эзгу мақсадлар сари етакловчи бекиёс куч. Уни ижодкор адаб-тарбия, инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат ҳислари билан безайди. Ўкувчини маънавият олами сари бошлайди.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика болалар кутубхонаси ва Республика Байналмилал маданият маркази томонидан ташкил этилган китобхонлар фестивали ҳам ана шу мақсадлар учун хизмат қилмоқда. Тадбирда таъқидланганидек, «Соғлом бола йили» давлат дастури доирасида жорий йилда ўн мингдан ортиқ мактаб кутубхонасини бадиий адабиётлар билан тўлдириш кўзда тутилган. Бунинг учун давлат бюджетидан 6,6 миллиард сўм маблаг ажратилади.

Тадбирга Тошкент шаҳридаги ахборот ресурслари, турли миллатга мансуб ёшлар таклиф этилди.

— Фестивал ҳақиқий китоб байрамига айланди, — дейди Учтепа тумани ахборот ресурслари, маркази раҳбари Шоҳида Тўраконова. — Инсон китоб билан ҳамнафас яшаши даркор. Фарзандларимизни китоб билан дўстлаштириш, уларни янги адабиётлар билан танишириш, кутубхоналар фаолиятини янада жонлантириш жуда муҳим.

Фестивал давомида болажонларни кузатдик. Улар отоналаридан эҳтимол музқаймоқча деб олган пулига китоб сотиб олишиди. Демак, байрам бесамар ўтмади.

Парвина ОМОНОВА



Шайхонтохур туманидаги 254-мактабнинг кимё фани ўқитувчisi Дилафуз Гулбаева ўкувчилари билан лаборатория машгулотини олиб бормоқда.

**Рустам НАЗАРМАТОВ** фотолавҳаси

## ТЎҒРИ ЙЎЛДАН ҚАЙТМАНГ

**Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шароитлар мавжуд. Афсуски, орамизда бирор фойдали иш билан шугулланиши ўрнига ёш йизит-қизсларни нопок йўлларга бошлаб, бундай ишларни ўзининг асосий даромад манбаига айлантириб олган, ўзи эса аллақачон қингир йўлларда адашиб юрган кимсалар ҳам учраб туради.**

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан худудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ва тезкор кримоген вазият барқарорлигига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш, жинонот ва хукуқбузарликларни олдини олиш бора-сида мунтазам равишда амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Аниқланган ҳолатлар шуни кўрсатмоқдаки, ўз ўйида яшаб туриб, одамлардан фойдаланиш даромад топлаётган кишилар ҳам бор. Бундай тоифадаги кимсалар ноқонуний равишида дала ҳовли, сауналарда массаж хоналари ташкил этиш баҳонасида ахлоққа зид фаолият билан шугулланиб келганликлари ойдинлашди. Хукуқни муҳофаза қиливучи идоралар томонидан бундай «иш-

билиармонлар» фаолиятига қонуний баҳо берилди, нопок кимсаларнинг хатти-харакатларига нисбатан чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, вилоятнинг Бекобод, Оҳангарон, Янгийўл, Ўртачиқ туманларида рейдлар ташкил этилиб, ана шундай фаолият билан шугулланиб келаётган шахслар аниқланди. Улар профилактик хисобга олиниб, тарбиявий ишлар йўлга кўйилди. Нопок ишларни ўзларига касб қилиб, қилимшиларидан пушаймон бўлған бундай аёллар келгусида яна хукуқбузарлик ва жиноят содир этишларининг олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар, хотин-қизлар қўмиталари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйимлари ҳамда худудлардаги ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари билан ҳамкорликда уларга мураббий биртирилди.

Маҳаллаларда, ўкув юртларида йигит-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишли, қинғир йўлларга кириб қолмасликлари, ёшларнинг одам савдоси қурбони бўлиб қолишларига йўл қўймаслик мақсадида учрашувлар, давра сухбатлари ташкил этилди. Хукуқий маданияти юксак ёшлар ҳеч қачон нопок кимсалар тўрига тушиб қолмайди.

**Зиёдулла РАҲИМОВ,**  
**Тошкент вилояти ИИБ**  
**хукуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси масъул ходими**

## Ogohlik

Ta'limga e'tibor — kelajakka e'tibor

# ҲАР БИР ЎҚУВЧИ — КАТТА ТАҚДИР ЭГАСИ

Фаллаорол туманидаги 29-мактаб

**Тўйчи Худоёров номидаги сув ис-  
теъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги  
Жаргот қишилогида жойлашган. 2013  
йилда фойдаланишга топширилган  
ушибу таълим муассасасида ёш  
авлоднинг замонавий билим олиб,  
келажагига пухта замин ҳозирлаши  
учун зарур барча шароитлар бор.**

Бу ҳақда узоқ гапириб, вактингизни олиш нияти-  
миз йўқ. Ҳамма гапни ўқитувчиларнинг ўзлари айтишади. Кўп ийллик педагогик тажрибага эга, бу-  
гунги кунда мактабга раҳ-  
барлик қиласётган Тўлабой Туровоннинг айтишича, мактабнинг қандай экан-  
лиги биносининг паст-ба-  
ландлиги ёки унинг замон-  
авий техник жиҳозлар билан таъминланганлиги билангина эмас, биринчи галда, ўқитувчиларнинг им-  
гла иштиёқи билан бел-  
гиланади.

— Мактабимизда 304 нафар ўқувчи ўқийди, — дейди Тўлабой муаллим. — Бу 304 нафар келажак эгаси ва шунча катта тақ-  
дир соҳиби деганидир. Уларга ўттиз уч нафар ма-  
лакали ўқитувчи сабоқ беради. Кўриб турганин-  
гиздек, жамоамиз унчалик катта эмас. Лекин меҳнат-  
га бўлган иштиёқ катта.

Ўқитувчиларимиз меҳна-  
тилинг самарасини ўқув-  
чиларимизнинг фанларга бўлган қизиқишлари ор-  
тиб бораётганида кўрамиз. Масалан, ўқувчимиз Даврон Муродқосимов инфоматика фанидан ўтказилган олимпиада-  
нинг Жиззах вилояти бос-  
қичида қатнашди. Унинг кўп тендошлари орасидан сараланиб, нуғузли фан олимпиадасининг ви-  
лоят босқичигача етиб боришида ўқитувчи Жўрабой Назаровнинг ҳиссаси катта. Ўқитувчиларимиз келажакда бу каби кўрсаткичларни янада ях-  
шилаш учун меҳнат қилишмоқда.

Эски, шароитлари ҳаминқадар бўлган мактаб ўрнида умуммиллий давлат дастури доирасида бунёд этилган иккى қаватли ўқув муассасаси бугун қишлоқ кўрки бўлиб туриди. Мактаб ҳовлиси

ям-яшил. Фарзандларимиз камол топадиган қутлуғ масканнинг шундай файзли қиёфа касб этишида қишлоқ оқсоқолларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Асад Абдуолимовнинг хизмати бор. Бутун умрими боғдорчиликка бағишила-  
ган уста боғбон кўчат танлашда, кўкаламзорлаштиришда мактаб жамоасига яқиндан ёрдам берди. Вақти-вақти билан мактабга келиб экилган ниҳолларнинг ривожидан хабар олиб турди.

Асад Абдуолимов «Савронбек-Илҳом» фермер хўжалигини ташкил этиб, ҳар йили режа ва шартномаларни ошиғи билан бажаради. Ўтган йили олтмиш беш тонна фалла, 202 килограмм пилла етиширди, сабзавот ва полиз экинлари хосилдорлигини ошириб, ўйлни муваффақиятли якунлади.

Асад Абдуолимовнинг фаолияти мактаб билан боғлиқ. У тез-тез ўқувчилар билан учрашиб, сухбатлашади. Фермер бўлсан ҳам, ўзим қалбан ўқитувчиман, ҳаётимни мактабдан айро тасаввур қиломайман, дейишни яхши кўради Асад ака. Қишлоқ ёшлари билан гу-

рунглашганда, албатта, тарих, адабиёт ва географиядан сўз очилади. Бу ўқувчиларга ҳам қулай. Улар мактабда олган билимларини зиёли фермер билан сұхбатларда мустаҳкамлаб олади. Тагин, экологиядан ҳам сўз боради. Тажрибали қишлоқ хўжалиги ходими ўш ҳамқишлоқларни табиатни асрарга ундейди. Айниқса, сувни исроф қилмаслик, атроф-муҳитни сақлашда ота-оналарга ёрдам беришга руҳлантиради. Туятортар каналидан оқиб келадиган сувни лалмикор ерларга чиқариб боб-роғлар барпо қилган ҳамқишлоқлари Тўйчи Худоёровнинг ҳаётини уларга ўрнак қилиб кўрсатади.

Мактабда ўқувчилар қалбida улуғ аждодлар меросига нисбатан чек-  
сиз хурмат туйғусини, уларга муносиб авлод бўлиш кўнижмасини шакллантириш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби алломалар таваллудига бағишилаб ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар шулар жумласидан. Тадбирлар доирасида улар ҳаётни ва фаолиятига доир билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчилар ўртасида кўрик-танловлар, жумладан, иншолар танлови, деворий газеталар танлови ўтказиб борилади.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,  
Жиззах вилояти**

Ma'naviyat

## МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Наманган санъат колле-  
жида «Юксак маъна-  
виятли авлод» рес-  
публика иқтидорли ўшлар фестивали-  
нинг вилоят босқичи  
бўлиб ўтди.**

Таълим муассасаларида ўтказилган биринчи босқичда 53 минг нафар, шаҳар ва туманларда бўлиб ўтган иккичи босқич беллашувла-  
рида 24 минг нафар, вилоят босқи-

чида 14 ўшдан 25 ўшгача бўлган 216 нафар иқтидорли йигит-қиз иштироқ этди.

Турли соҳа мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайяти иштирокчиларнинг ижодий ишларини «Президент асарлари билимдони», «Юксак маънавиятли авлод», «Ёш журналист», «Ўз асарларида миллийликни акс эттирган рассом», «Ўз асарларида миллийликни акс эттирган дизайннер», «Ёш санъаткор», «Энг иқтидорли хунарманд» каби номинациялар бўйича баҳолаб, биринчи, иккичи ва учинчи ўринга муносибларни аниқлади.

Мусобақада Малика Азизхўжаева, Мафтуна Дадажонова, Бекзод Билолиддинов, Мухтасар Имомова, Севара Каримова, Асрорбек Абдуҳамидов, Абдумалик Дехқонов сингари ўқувчи ва талабалар турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилди.

Совриндорлар фестивалнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Сайфиддин МУХИТДИНОВ,  
Республика Маънавият тарғибот  
маркази Наманган вилояти  
бўлими раҳбари**

## ТАЪЛИМ БЕШИГИ

Болалар турлича шароитда улғайши мумкин. Ҳаммада шароит ҳар хил. Бироқ боланинг мактабга қишиш вақти келганда, ота-она энг яхши сифатларга эга бўлган муаллими излай бошлади. Боланинг қобилияти ва истеъодини юзага чиқаришда устоз-мураббийнинг ўрни бекиёс. Ана шундай ўқитувчилардан бири, ҳамкасларига намуна бўлиб келаётган муаллима Бегимой



Норбутаевадир.

Бошланғич синф ўқитувчиси Сирдарё вилояти Boёвут туманидаги 41-мак-

табда йигирма сakkiz йилдан бўён дарс беради. Узоқ йиллик фаолиятида жонкуяр муаллима вилоят, туман

ва мактаб фаҳрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

**Нуриддин МАҲКАМОВ  
фотолавҳаси**



## Мессининг дэври ўтдими?!

Испаниянинг «Барселона» футбол клуби ўтказган сўровномада 57 фоиз муҳлис Лионел Мессини бошقا клубга сотиш тарафдори эканлигини билдириди.

Клуб ишқибозларининг фикрича, фақат Испания суперкубогини қўлга киритган жамоанинг мавсумдаги муваффакиятсизликларига айнан Месси айбдор. Мухлислар бундан ташкири, дарвозабон Хосе Пинто (92 фоиз овоз), химоячилар Дани Алвеш (81 фоиз овоз), Хавиер Маскерано (53 фоиз овоз), яrim химоячи Алекс Сонг (59 фоиз овоз) ва ҳужумчи Алексис Санчес (21 фоиз овоз) каби ўйинчиларнинг клубдан кетишлари учун овоз беришган. Месси жорий мавсумда «Барселона» таркибида кирқ олтита расмий учрашувда майдонга тушиб, қирқ битта гол уришга муваффақ бўлди. «Барселона» клуби йигирма етти ёшли ҳужумчи билан ўн олтинчи май куни имзолаган шартномасига кўра, унинг йиллик маоши йигирма миллион еврога етди.

## Қўнгиласизлик

Колумбиянинг Фундасион шахрида автобус фалокати натижасида ўтиз икки бола ҳалок бўлди.

Маълум бўлишича, транспорт черковга кетаётган вақтда ёниб кетган. Шаҳар мэри Стелла Дюраннинг сўзларига кўра, 40-50 нафар болага фақат хайдовчининг ўзи қараб кетаётган бўлган. Ўнга яқин болага тиббий ёрдам кўрсатилган. Мамлакат президенти Хуан Мануэл Сантос ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириди ва «ҳам ота, ҳам колумбиялик сифатида ўзида кучли оғриқ ҳис қиласётганини» алоҳида таъкидлади.

## Софлиқдан муҳим нарса борми?

Жанубий Кореянинг «Samsunç» компанияси микросхемалар билан ишлаб, заводда оғир меҳнат қилган, оқибатда эса саратонга чалинган ходимларига товон пули тўлашини маълум қилди.

Аввалига товон пули тўлашдан бош тортган компания, узоқ суд можароларидан сўнг, омма олдида илк маротаба узр сўради. Корпорация директори Квон О Хен заводдаги иш шароити ва лейкемия касаллиги ўртасида боғлиқлик борлигини тан олмаса-да, бироқ ходимлар саломатлигига жиддий эътибор бермагани учун жавобгарликни бўйнига олди. Хозирга қадар, жабрланганларнинг сони аниқ эмас. Айтиш көрек, сўнгти олти йил ичидан компания устидан қирқча яқин шикоят тушган.

## Энди у футболчи

Боливия президенти Эво Моралес мамлакатнинг футбол бўйича биринчи дивизионида иштирок этувчи «Спорт Бойс» клуби билан шартнома имзолади.

Эллик тўрт ёшли сиёсатчи бўш вақтларида футбол учрашувларига тортиб турди ва ўзиям майдонга тушади. Президентга клуб ойига 214 АҚШ доллари маош тўлайди. Ўнга ўнинчи ракамли футболка топширилди. Эслатиб ўтамиз, 2006 йили Эво Моралес журналистлар ва бошқа сиёсатчиларга қарши ўртоқлик учрашувда рақиб жамоа дарвозабонининг бурнини синдириб қўйган эди.

**Интернет манбалари асосида  
Жавохир КАРОМАТОВ тайёрлади**

# «Йилнинг энг ёш ихтирочиши» аниқланди

Техника соҳаси кундан-кунга ривожланаётир. XXI аср техника тараққиётининг янги босқичга ўтган давр сифатида тарихда қолиши шубҳасиз.

Биз ҳар куни техника во-ситаларига мурожаат қила-миз, улардан фойдаланамиз. Маиший техника кундалик ҳаётимизнинг ажралмас кисмига айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар билан бир қаторда, техника соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мактаб ўқувчиларининг янгиданянги ихтиrolарининг кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинаётгани, айниқса, қуонарли.

Яқинда Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманиндағи «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёти мар-



казида мактаб ўқувчилари ўтасида «Соғлом авлод буюк ишларга қодир» шиори остида «Йилнинг энг ёш ихтиро-

чиши» кўрик-танлови бўлиб ўтганилиги юқоридаги фикримизни тасдиқлади.

Кўрик-танловга тақдим этилган ихтиронинг бугунги кундаги аҳамияти, дизайни, техник талабларга жавоб бернишига эътибор қаратилди.

Танлов якунига кўра, биринчи ўринни Бухоро вилояти Фиждувон туманиндағи 2-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Муҳриддин Ҳайдаров ўзининг «Экологик уй» лойиҳаси билан кўлга кирилган бўлса, иккинчи ўринни Жиззах вилояти Мирзачўл туманиндағи 2-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Эгамберди Абланбердиев кўлга кириди. Унинг сувни ҳаракатга келтирувчи техник мосламаси ҳакамлар ҳайъ-

атида ва танлов иштирокчиларида қизиқиши уйғотди. Учинчи ўрин эса «Ҳаракатланувчи экскаватор» ихтирочиши, Наманганд вилояти Тўракўргон туманиндағи 15-мактабнинг олтинчи синф ўқувчиси Мирзақбар Абдулсатторовга насиб этди. Бундан ташқари, «Энг долзарб лойиҳа» ва «Энг ёш иштирокчи» номинациялари совринлари ҳам ўз эгаларини топди.

**Алибек ОМОНТУРДИЕВ,**  
«Turkiston» мухбири.  
Рустам Назарматов  
олган суратлар.



М.Исматов олган сурат

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

...ана шунда Шоҳимардан пири Ҳакимбекка ой Барчинни аташтириб, бешкирти килиб: «Бу иккенинг бўлсин, Ҳакимбек билан ҳеч бир киши баробар бўлолмасин, омни оллоҳи акбар», — деб фотихани бетига тортди».

«Алномиш» достонидан келтирилган ушбу парчадаги «бешкирти» сўзининг маъносини айтинг.

Жавобингизни 23 май соат 16.00 га кадар 233-79-69, 233-95-97 ракамларига кўнгирок килиб беришиниз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган муҳлис номи газетамизда ўзлон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:  
**Кассиус Клей.** Андикон шаҳридан Сардор Абдуманопов, Наманганд шаҳридан Абдумажид Жабборовлар тўғри жавоб йўллади.

## МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Республикамиз бўйлаб «Музейлар – бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси» мавзууда турли тадбирлар, ижодий учрашувлар, кўргазмалар давом этмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмасида ана шу мавзу доирасида анжуман бўлиб ўтди. Анжуман Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Унда вазирлик ва музей ходимлари, мутасадди ташкилотлар ҳамда академик лицей, касб-хунар коллежлари битирувчилари, журналистлар катнашди.

Тадбирда маданий меросимизни тарғиб килиш, ёшлар маънавиятини шакллантириша музейларнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

— Ўтказилаётган ушбу тадбирлар тарихимизни янада чуқурроқ анг-

лашга ёрдам беради, — дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова. — Келгусида биз йигирма тўрт соат ишлайдиган музейлар фаолиятини ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Анжуман доирасида «Эркин, ёш авлод сенга зўр қанот» мавзууда кўргазма ўтказилди. Унда хунармандлар ўзлари яратган асарлари билан қатнашди. Анжуман байрамга айланаб кетди.

Ажойиб куй-кўшиқлар, рақслар тадбирга янада шукуҳ бағишлиди.

**Шахло АБДУҚАЮМОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## YONDAFTARCHANGIZGA

Одамлар ўқишини тўхтатишлари билан, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар.

**Дени ДИДРО**

## МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигига 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



ISSN 2010-6998

## Бош муҳаррир ўринбосари:

**Шукуров  
Мөхриддин Эшқобилович**

## Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Коcherгина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

## Навбатчи муҳаррир:

Умарова  
Наргиза  
Баҳодировна

## Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-557.  
Адади — 11926

Офсет усулида босилган.

Босишига топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 23.20  
ЎзА якуни — 22.30

1 2 3 4 5